БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСРОИЛОВ АБРОРЖОН АДИЛЖОНОВИЧ

БОЛАЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА ИНГУИНАЛ КРИПТОРХИЗМНИНГ ХИРУРГИК ДАВО ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.35 – Болалар хирургияси

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616.681-089-053.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исроилов Аброржон Адилжонович
Болаларда икки томонлама ингуинал крипторхизмнинг хирургик даво тактикасини такомиллаштириш.....3

Исроилов Аброржон Адилжонович
Совершенствование тактики хирургического лечения двухстороннего пахового крипторхизма у детей……27

Isroilov Abrorzhon Adilzhonovich
Improving the tactics of surgical treatment of bilateral inguinal cryptorchidism in children.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....55

БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСРОИЛОВ АБРОРЖОН АДИЛЖОНОВИЧ

БОЛАЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА ИНГУИНАЛ КРИПТОРХИЗМНИНГ ХИРУРГИК ДАВО ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.35 – Болалар хирургияси

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4734 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида www.bmtm.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Рахматуллаев Акмал Абадбекович** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Агзамходжаев Саиданвар Талатович** тиббиёт фанлари доктори
	Сапаев Отабек Қадирович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Болалар саломатлиги миллий тиббий тадқиқот маркази. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Федерал Давлат автоном муассасаси (Россия).**

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Ташкент шахар, Яшнобод туман, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил Тошкент шаҳар, Яшнобод туман, Паркент кўчаси, 294-уй.Тел./факс: (+99855) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори,профессор

А.С. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Ш.Эргашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида келтирилган маълумотларга кўра, крипторхизм ёки моякнинг ёрғоққа тушмаслиги янги туғилган ўғил болаларда урогенитал тизим ривожланишининг энг кўп учрайдиган туғма аномалияларидан бири бўлиб, мураккаб полиэтиологик жараён билан боғлиқдир. Касалланиш даражаси гестацион ёшга боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқланади: муддатида туғилган чақалоқларда 1,0-4,6% ни, чала туғилган чақалоқларда эса 1,1-45% ни ташкил этади. Ҳаётнинг дастлабки ойларида моякнинг ўз-ўзидан ёрғоққа тушишига қарамай, барча муддатида етилиб туғилган ўғил болаларнинг тахминан 1,0% ида бир ёшга етганда ҳам мояклар ёрғоқда аниқланмайди[1].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари томонидан тақдим этилган нуфузли маълумотларга кўра, иккала моякнинг ёрғоққа тушмаслиги билан характерланувчи крипторхизмнинг икки томонлама шакли ушбу туғма аномалиядан азият чекаётган беморларнинг салмоқли қисмида аниқланади. Хусусан, крипторхизм ташхиси қўйилган ўғил болаларнинг 10 фоизидан 30 фоизигача ҳолларда мояклarнинг ёрғоқда икки томонлама йўқлиги кузатилиши қайд этилган[2], бу эса касалликнинг ушбу кичик тоифасининг клиник аҳамияти ва тарқалганлигини таъкидлайди. Сўнгги ўн йиллик давомида жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган крипторхизмнинг чов шакллари билан оғриган беморлар сонининг тенденцияси ўсиб бормоқда. Орхиопексия амалиётларининг статистик ўсиши глобал миқёсда кузатилмоқда. Бироқ, бу ҳолат ҳақиқий патологиянинг кўпайиши билан боғлиқми ёки самарадорлиги чекланган консерватив гормонал терапиядан кўпчилик мутахассисларнинг воз кечиши ва “сохта” крипторхизмда жарроҳлик даволаш кўрсатмаларининг кенгайиши натижасида юзага келаётганми, бу саволга бирламчи маълумотлар асосида якуний жавоб бериш мушкул.

Мамлактимизда болалар урологиясининг ҳозирги тараққиёт босқичи ўғил болаларда урогенитал тизим ривожланишининг энг кўп учрайдиган туғма аномалияларидан бири бўлган крипторхизмни эрта аниқлаш ва оптимал даволаш усулларини узлуксиз такомиллаштириш билан тавсифланади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналиши доирасида аҳолига кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий хизматлар сифатини ошириш вазифалари белгиланган[3]. Болаларга юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ушбу вазифаларнинг амалга ошириш крипторхизмга чалинган беморларни даволашда мавжуд клиник протоколларни такомиллаштириш ҳамда замонавий ташхис ва

[1] Radmayr, C., Dogan, H. S., Hoebeke, P. Et al. (2016). Management of undescended testes: european association of urology/european society for paediatric urology guidelines. Journal of Pediatric Urology, 12(6), 335-343. doi:10.1016/j.jpurol.2016.07.0.

[2] Berkowitz G.S., Lapinsky R.H., Dolgin S.E. et al: Prevalence and natural history of cryptorchidism. pediatrics 1993; 92: 44; elder j.s. surgical management of the undescended testis: recent advances and controversies. Eur J Pediatr Surg. 2016;26(5): 418-426. doi: 10.1055/s-0036-1592197.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

даволаш ёндашувларини клиник амалиётга жорий этишнинг стратегик аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг 6-сонли устувор йўналиши – "Тиббиёт ва фармакология" доирасида, хусусан "Беморларни даволаш ва реабилитация қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш" мавзуси бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Крипторхизмни жарроҳлик йўли билан даволаш тамойиллари XIX асрда Schuller M. (1881) ва Bevan A.D. (1899) томонидан ишлаб чиқилган эди. Анъанавий жарроҳлик амалиётида пайпаслаб аниқланадиган крипторхизм шакллари иккита тери кесими орқали бажариладиган очиқ жарроҳлик усули ёрдамида даволанган. Анъанавий очиқ жарроҳлик усулида пайпасланадиган крипторхизм чов ва ёрғоқ соҳасида иккита кесим орқали бажарилиб, човдаги кесим уруғ тизимчасини етарлича мобилизация қилиш ва моякни ёрғоққа тушириш учун зарур ва ягона усул ҳисобланган.

Кейинчалик, чов орхиопексиясидан кейинги оғриқни камайтириш мақсадида Bianchi A. ва Squire B.P. (1989) пайпасланадиган криптохизмни даволаш учун прескротал кириш усулини таклиф қилдилар. Улар бундай ҳолатда мояклар нормал қон томир оёқчасига эгалигини, лекин қисқароқ қорин парда қин ўсимтаси билан ушланиб турганини аниқладилар. Шу сабабли, кўп ҳолларда чурра халтасини ёрғоқ асоси яқинидаги кесма орқали олиб ташлаш мумкинлигини тахмин қилишди. Бироқ, прескротал кириш орқали қорин парда қин ўсимтасини боғлашнинг техник мураккаблиги туфайли бу усул кенг тарқалмади (Lais A., 1996). Шунингдек, ушбу усулдан кейин сезиларли яллиғланиш ва шиш, ҳамда анъанавий усулдан кейин кучли оғриқ қайд этилган (Cloutier J., 2011).

Трансскротал орхиопексия усули биринчи марта 1910 йилда Ombredane томонидан таклиф қилинган ва кейинчалик 1949 йилда Carney ва ҳаммуаллифлари, сўнг Bianchi A. (1989) томонидан модификация қилиниб, 104 нафар беморда муваффақиятли қўлланилган. Bianchi усулида 5 нафар беморда моякни эркин тушириш имкони бўлмагани учун қўшимча чов кесими талаб этилган. Коган М.И. ва ҳаммуаллифлари (2021) прескротал орхиопексия техникасини такомиллаштириб, Bianchi A. техникасига қараганда мояк малпозицияси профилактикасида самаралироқ эканини кўрсатишди. Бир қатор тадқиқотчилар эса прескротал киришга ўхшаш, лекин косметик натижалари яхшироқ бўлган кўндаланг трансскротал кириш усулини тақдим этдилар (Nazem M., 2019; Yun-jin W., 2020; Spinelli C., 2021).

Шунга қарамай, прескротал орхиопексия қўлланганда асоратлар ривожланиши мумкин. Косметик афзаллигига қарамай, 1,1-2,5% ҳолларда операциядан кейин шиш ва яллиғланиш кузатилади (Hyuga T., 2016). Беморларнинг 5 фоизида қўшимча чов кесими зарур бўлади. Крипторхизмнинг қайталаниши 1,5% гача етади, доимий ёки такрорий чов чурраси 0,1% ҳолларда,

гонада ишемияси ва атрофияси эса 0,44% ҳолларда учрайди (Сизонов В.В., 2017; Novaes H.F., 2013; Spinelli C., 2022). Шу сабабли, прескротал ва трансскротал орхиопексияни бажариш учун асосий шарт операциягача моякнинг етарли даражада ҳаракатчанлигининг мавжудлигидир. Агар мояк томирлари қисқа бўлса, бу усулларни қўллаш тавсия этилмайди, чунки мояк ишемияси ёки унинг қайта ретракцияси хавфи юқори бўлади. Демак, бу техникалар фақат беморларнинг маълум бир гуруҳида қўлланилиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси (№01980006703) доирасида "Болалардаги туғма ва орттирилган касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш" мавзуси бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: икки томонлама чов крипторхизми билан касалланган болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилаш.

Тадқиқот вазифалари:

болаларда икки томонлама чов крипторхизмини жарроҳлик йўли билан даволашнинг Cloutier J. усули бўйича бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия ва босқичма-босқич икки томонлама орхиопексиянинг мавжуд усулларини қиёсий таҳлил қилиш;

икки томонлама чов крипторхизми билан касалланган болаларни даволашда лапароскопик ассистентлик билан бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

таклиф этилаётган усул натижаларини мавжуд орхиопексия усуллари билан қиёсий таҳлил ўтказиш, уларнинг самарадорлиги ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш;

болаларда икки томонлама чов крипторхизмини даволашда лапароскопик ассистентлик орхиопексияни қўллаш учун кўрсатмаларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2012 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда икки томонлама чов крипторхизми ташхиси қўйилиб, жарроҳлик амалиёти ўтказилган 276 нафар бола танланган.

Тадқиқот предмети болаларнинг умумий ҳолатини, беморларнинг клиник-лаборатория ва анатомик-функционал хусусиятларини, шунингдек крипторхизм кечишини прогнозлашнинг замонавий усуллари натижаларини комплекс баҳолашдан иборат. Тадқиқот доирасида крипторхизмни даволашнинг анъанавий ва инновацион усуллари лапароскопик ассистентлик билан ёки ассистентликсиз қўлланилган ҳолда ўрганилди.

Тадқиқот методологияси ва усуллари. Мазкур тадқиқот очиқ, кўп марказли, оддий ҳолат-назоратли, проспектив ва ретроспектив клиник тадқиқот дизайни асосида амалга оширилди. Тадқиқотнинг асосий мақсадига эришиш ҳамда белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида қуйидаги илмий усуллар қўлланилди: клиник-лаборатория текшируви, инструментал ташхислаш (ультратовуш текшируви, лапароскопия) ва статистик таҳлил

усуллари. Тадқиқотга икки томонлама крипторхизмнинг чов шакллари (моякларнинг чов ретенцияси, моякларнинг чов эктопияси, моякларнинг кесишган эктопияси, шунингдек, сохта чов крипторхизми) ташхиси қўйилган ва жарроҳлик муолажаси ўтказилган бемор болалар киритилди. Ўтказилган клиник тадқиқот жараёнида беморлар қўлланилган жарроҳлик даволаш усулига мувофиқ гуруҳларга тақсимланди. Йиғилган маълумотлар тизимлаштирилди ва статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинди, шунингдек, олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижалари асосида илмий хулосалар шакллантирилди ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Болаларда икки томонлама крипторхизмнинг чов шаклини жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий ёндашувлари таҳлил қилинган, босқичма-босқич икки томонлама орхиопексия ва Clouter J. усули бўйича трансскротал бир босқичли икки томонлама орхиопексиянинг мавжуд усулларини таҳлил қилинган ва қиёсий ўрганилган;

крипторхизмнинг икки томонлама чов шаклларида лапароскопик ассистентлик билан трансскротал бир босқичли икки томонлама орхиопексия усули қўлланилганда, моякларнинг физиологик қон таъминоти сақланиб қолиши ва уларнинг гипо- ҳамда атрофияси ривожланишининг камайиши исботланган;

узоқ муддатли кузатув даврида биринчи маротаба сақланиб қолган аъзодаги қон оқимини акс эттирувчи эхографик маълумотлар тақдим этилган, ҳамда икки томонлама чов крипторхизмини даволаш жараёнида пастга туширилаётган мояклар ишемиясига олиб келиши мумкин бўлган босқичли орхиопексия усулларини қўллаш хавфи илмий жиҳатдан асослаб берилган;

уруғ тизимчасининг кучли таранглашуви ва моякнинг краниал йўналишда силжиши кузатилганда, узоқ муддатли даврда моякнинг иккиламчи малпозицияси ҳамда атрофиясининг олдини олиш учун, моякларнинг эркин ҳолда ёрғоққа туширилишини таъминлаш мақсадида, тестикуляр қон томирларининг қорин бўшлиғи қисми ва уруғ йўлини лапароскопик усулда ажратиб олиш зарурлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

крипторхизмнинг икки томонлама чов шакли билан оғриган ўғил болаларда бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия жарроҳлик усулининг қўлланилиши битта жарроҳлик аралашуви ва битта кесим ёрдамида иккала ретенцияланган моякни энг кам асоратлар ва рецидивлар билан ёрғоққа тушириш имконини берган;

уруғ тизимчасининг ригидлигида уруғ йўлининг қорин бўшлиғидаги қисми ва тестикуляр томирларни лапароскопик усулда мобилизация қилишнинг юқори самарадорлиги аниқланган, бу эса уруғ тизимчасини трансскротал йўл билан ажратиш вақтида муҳим аҳамиятга эга.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот материалининг етарли ҳажми билан тасдиқланган ва беморлар ҳолатини баҳолашнинг холис мезонлари, замонавий ташхис ва

даволаш усулларидан фойдаланиш, далилларга асосланган тиббиётнинг ҳозирги илмий ва амалий талабларига мос келадиган услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш орқали асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар крипторхизмнинг икки томонлама чов шакллари мавжуд ўғил болаларда таклиф этилган бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия ўтказилгандан сўнг ретенцияланган гонадаларнинг физиологик қон айланиши ва уларнинг ёрғоқда эркин жойлашуви сақланиб қолишини кўрсатади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган патент: бир троакарли лапароскопик кириш усулида лапароскопик ассистентлик билан бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия №IAP 07130, 20.09.2022 йил).

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида крипторхизмнинг икки томонлама чов шакллари мавжуд болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш орхиопексиянинг янги оригинал усулини жорий этиш орқали такомиллаштирилди. Бу эса операциядан кейинги асоратлар ривожланиш эҳтимолини 13,57% дан 1,08% гача ($p<0,05$) камайтириш ва беморнинг шифохонада ўртача даволаниш муддатини 1,12 ёток-кунгача ($p<0,05$) қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 февралдаги 12/42-сонли хулосасига кўра қуйидагилар тақдим этилган:

Биринчи илмий янгилик: Болаларда икки томонлама крипторхизмнинг чов шаклини даволашда замонавий жарроҳлик ёндашувлари таҳлил қилинди, мавжуд усуллар, жумладан Cloutier усули бўйича бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия ва босқичма-босқич икки томонлама орхиопексия қиёсий ўрганилган. Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимида 2024 йил 13 июлдаги 164-1-сонли буйруқ асосида амалиётга жорий этилган. Тадқиқотга 2024 йил январь-август ойларида даволанган 21 нафар бемор (1-14 ёш, ўртача ёши 6,3±0,5) киритилган. Асосий гуруҳни 10 нафар ўғил бола (бир босқичли транскротал орхиопексия), таққослаш гуруҳини 11 нафар (босқичма-босқич чов орқали орхиопексия) ташкил этган. *Ижтимоий аҳамияти:* болаларда икки томонлама крипторхизмнинг чов шаклини даволашнинг жарроҳлик усулларини такомиллаштириш бепуштлик ва онкологик касалликлар хавфини минималлаштиришга, келажакда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва психо-ижтимоий мослашувини оширишга қаратилганлиги сабабли юқори ижтимоий аҳамиятга эга. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда икки томонлама чов крипторхизмида орхиопексия ва операциядан кейинги даволашнинг янги усулини жорий этиш асоратларни 27,3% дан 10% гача камайтириш ва касалхонада даволаниш муддатини 1,8 кундан 1,2 кунгача қисқартириш имконини берган ($p<0,05$). Крипторхизмни даволашнинг такомиллаштирилган жарроҳлик тактикасининг иқтисодий самарадорлиги битта ҳолат учун ишлаб

чиқариш харажатлари фарқини (мавжуд усул учун 1150000 сўм ва янги усул учун 580000 сўм) беморлар сонига (n=21) кўпайтириш орқали баҳоланган. Бу даволаниш курси учун стационар харажатларни 12155000 сўмга тежашга ва шу билан бирга тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон берган. Амбулатор босқичда қўшимча тежаш асоратлар частотасининг пасайиши билан боғлиқ: таққослаш гуруҳида 3 нафар беморда асорат ҳар бири учун 255000 сўм харажатни талаб қилган бўлса, асосий гуруҳда асорат фақат 1 нафар беморда 150000 сўм харажат билан қайд этилган. *Хулоса:* янги даволаш ёндашуви асоратлар ва ётоқ кунларини сезиларли даражада камайтирган, яққол ижтимоий самара (бепуштлик ва саратон хавфини камайтириш) ва харажатларни қисқартириш орқали сезиларли иқтисодий самарадорликни таъминлаган.

Иккинчи илмий янгилик: икки томонлама крипторхизмнинг чов шакллари бўлган ўғил болаларда лапароскопик ассистентли бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия гонадаларнинг физиологик қон таъминотини сақлаш ва уларнинг гипо- ҳамда атрофияси ривожланиш эҳтимолини пасайтириш имконини бериши исботланган. Тадқиқот натижалари Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимида 15.07.2024 йилдаги 61-4-сонли буйруқ асосида амалиётга жорий этилган. Тадқиқотга 2024 йилнинг январь-август ойларида даволанган 21 нафар бемор (1-14 ёш, ўртача ёши 7,6±1,2 ёш) киритилган. Асосий гуруҳни 11 нафар ўғил бола (бир босқичли транскротал орхиопексия), таққослаш гуруҳини эса 10 нафар (босқичли чов орқали орхиопексия) ташкил этган. *Ижтимоий аҳамияти:* ишлаб чиқилган усулнинг икки томонлама крипторхизм билан оғриган ўғил болаларда жорий этилиши жинсий безлар гипо- ва атрофиясининг олдини олиш орқали репродуктив саломатлик ва гормонал функцияни яхшилаб, бепуштлик ва гипогонадизм хавфини камайтирган, натижада беморларнинг тўлақонли физиологик ривожланиши, узоқ муддатли ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашуви таъминланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда икки томонлама чов крипторхизмида орхиопексия ва операциядан кейинги даволашнинг янги усулини жорий этиш асоратларни 30% дан 9,1% гача камайтириш ва касалхонада даволаниш муддатини 2,3 кундан 1,12 кунгача қисқартириш имконини берган ($p<0,05$). Крипторхизмни даволашнинг такомиллашган жарроҳлик тактикасининг иқтисодий самарадорлиги бир ҳолат учун ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи (мавжуд усул учун 1300000 сўм ва янги усул учун 650000 сўм) беморлар сонига (n=21) кўпайтмаси сифатида баҳоланган. Бу тиббий ёрдам сифатини ошириш билан бир вақтда даволаниш курси учун стационар харажатларни 13650000 сўмга тежашга эришиш имконини берган. Амбулатория босқичида қўшимча тежаш асоратлар частотасининг пасайиши билан боғлиқ: таққослаш гуруҳида 3 нафар беморда асоратларни даволаш харажатлари ҳар бирига 275000 сўмни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда эса асорат фақат 1 нафар беморда кузатилиб, харажатлар 150000 сўмни ташкил этган. *Хулоса:* ўтказилган тадқиқот асосида лапароскопик ёрдамли бир босқичли трансскротал орхиопексия гонадаларнинг қон билан таъминланишини самарали сақлаб қолиб, асоратларни камайтириши, бу орқали болаларнинг репродуктив саломатлиги ва

ҳаёт сифатини яхшилаши ҳамда даволаниш харажатларини камайтириб, сезиларли иқтисодий фойда келтириши исботланган.

Учинчи илмий янгилик: узоқ муддатли кузатув даврида сақланиб қолган аъзо қон оқимини кўрсатувчи эхографик маълумотлар илк бор тақдим этилди ва икки томонлама чов крипторхизмини даволашда пастга туширилаётган гонадалар ишемиясига олиб келадиган босқичли орхиопексияларни қўллаш хавфи илмий жиҳатдан асосланган. Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 13 июлдаги 164-1-сонли ва Қашқадарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 15 июлдаги 61-4-сонли буйруқлари асосида жарроҳлик бўлимларининг амалий фаолиятига жорий этилган. *Ижтимоий аҳамияти:* босқичли орхиопексияларда жинсий безлар ишемиясининг илмий асосланган хавфи билан боғлиқ бўлиб, бу қон таъминотини сақлайдиган ва жинсий безлар атрофияси, бепуштлик ҳамда гипогонадизмнинг олдини олишга ёрдам берадиган усулларни танлаш муҳимлигини таъкидлайди. Бу эса узоқ муддатда ўғил болаларнинг репродуктив саломатлиги, гормонал функцияси, ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашувини сезиларли даражада яхшилаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* эхография усулини қўллашга оид тадқиқот натижаларининг жорий этилиши гонадаларнинг ишемик атрофияси каби асоратларни камайтиришга ёрдам берган. Бу асоратлар кейинчалик бепуштликни даволаш ёки гормонал ўрин босувчи даво заруриятини келтириб чиқариши мумкин эди. Босқичли орхиопексияларга илмий асосланган ёндашув оптимал усулларни танлашни таъминлаган, бу эса такрорий аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтирган, реабилитация муддатларини қисқартиргани ва соғлиқни сақлаш тизими ҳамда оилалар учун умумий иқтисодий харажатларни камайтирган. *Хулоса:* босқичли орхиопексияларнинг илмий асосланган хавфлари аъзоларда қон оқимини сақлаш муҳимлигини кўрсатиб, бу икки томонлама крипторхизм билан оғриган ўғил болаларнинг прогнозини яхшилаш ва репродуктив саломатлигини сақлаш орқали болалар урологиясида жарроҳлик стратегияларини оптималлаштириш учун муҳим аҳамият касб этган.

Тўртинчи илмий янгилик: уруғ тизимчасининг сезиларли даражада таранглашуви ва моякнинг краниал силжиши билан кечувчи ҳолларда, уларни ажратиб олгандан сўнг фиксациясиз жарроҳлик коррекцияси пайтида, ретенцияланган гонадани ёрғоққа эркин тушириш ва узоқ муддатли даврда иккиламчи малпозция ҳамда гонадалар атрофиясини олдини олиш имконини берувчи мояк қон томирлари ва уруғ чиқарувчи йўлнинг қорин бўшлиғи қисмини лапароскопик усулда ажратиш зарурлиги илмий асосланган. Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 13 июлдаги 164-1-сонли ва Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 15 июлдаги 61-4-сонли буйруқлари асосида жарроҳлик бўлимларининг амалий фаолиятига жорий этилган. *Ижтимоий аҳамияти:* моякларнинг иккиламчи малпозиция ва атрофиясининг олдини олишда намоён бўлиб, бу ўғил болаларда репродуктив функция ва гормонал мувозанатни сақлаш, уларнинг тўлиқ физиологик ривожланишини таъминлаш,

бепуштлик ва гипогонадизм хавфини камайтириш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш ва муваффақиятли ижтимоий мослашувини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. *Иқтисодий самарадорлиги:* анъанавий даволаш усули қўлланилганда, икки томонлама чов чурраси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш икки босқичда амалга оширилар эди. Бунда ҳар бир босқич учун сарфланадиган операцион харажатлар миқдори 857212 сўмни ташкил этган. Шунга мувофиқ, икки босқичли анъанавий даволаш курсининг умумий қиймати бир бемор учун 1714424 сўмга тенг бўлган. Таклиф этилаётган муаллифлик услубида эса, асосий гуруҳдаги беморларда икки томонлама чов чуррасини лапароскопик ассистентлик ёрдамида бир босқичда коррекция қилиш имкони яратилган. Бунинг натижасида, бир бемор учун операция харажатлари 1151352 сўмгача камайган. Янги услубнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида, анъанавий ва янги услублар ўртасидаги харажатлар фарқи ҳисоблаб чиқилган (1714424 сўм – 1151352 сўм = 563072 сўм). Ушбу фарқ асосий гуруҳдаги беморлар сонига (n=92) кўпайтирилиб, янги муаллифлик усулининг умумий иқтисодий тежамкорлик миқдори аниқланган: 563072 сўм×92=51802624 сўм. *Хулоса:* икки томонлама чов крипторхизми билан оғриган беморларда орхиопексияни лапароскопик ассистентлик ёрдамида бажаришнинг илмий асосланган янги муаллифлик услуби, 51802624 сўм миқдоридаги маблағни тежаш билан бир қаторда, беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ҳам сезиларли даражада оширишни таъминлаган.

Натижаларни олишда муаллифнинг шахсий иштироки. Диссертация тадқиқоти муаллиф томонидан шахсан 2019 йилдан 2024 йилгача олиб борилган. Тадқиқот давомида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган. Тадқиқот мавзуси бўйича тарихий ва замонавий халқаро илмий адабиётлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Муаллиф барча беморларни ташхислаш, танлаш, жарроҳлик йўли билан даволаш ва операциядан кейинги кузатувда бевосита иштирок этган. Олинган натижалар асосида конгресс ва конференцияларда маърузалар қилинган, илмий мақолалар чоп этилган, диссертация матни ёзилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва маъруза этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шулардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган рецензияланувчи илмий нашрларда нашр этилган. Ушбу 5 та нашрнинг 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матн ҳажми 121 бетни ташкил этади. Диссертация матни 21 та жадвал ва 26 та расм билан тасвирланган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 130 та нашрлардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгилаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илму-фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробация ва иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда икки томонлама чов крипторхизмини жарроҳлик йўли билан даволашнинг долзарб жиҳатлари»** деб номланган **биринчи боби** адабиётлар шарҳидан иборат бўлиб, унда икки томонлама чов крипторхизми бўйича мавжуд илмий манбалар таҳлил қилинган. Мазкур боб болаларда крипторхизмни жарроҳлик йўли билан даволашнинг долзарб жиҳатларини, хусусан, трансскротал орхиопексия ва лапароскопик усуллар эволюциясини таҳлил қилади. Дастлаб чов кесими орқали моякни тушириш усуллари қўлланилган, кейинчалик оғриқни камайтириш мақсадида прескротал ёндашув ишлаб чиқилган. Бироқ, бу усулнинг техник мураккабликлари ва асоратлари қайд этилган. Транскротал орхиопексия ғояси 1910 йилда Ombredane томонидан илгари сурилган. Лапароскопик усул 1976 йилдан бери қўлланилиб, дастлаб пайпасланмайдиган шаклларни даволашда етакчи ўрин эгаллаган. Сўнгги 25 йилда лапароскопик ёндашувнинг пайпасланадиган крипторхизмни даволашдаги кўрсатмалари кенгайди. Замонавий тадқиқотлар унинг юқори самарадорлиги, хавфсизлиги ва яхши косметик натижаларини тасдиқлайди. Бир портли лапароскопия (SILS) каби янги техникалар ҳам жорий этилмоқда. Икки томонлама крипторхизмда даволаш алгоритмини стандартлаштириш зарурлиги таъкидланади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот материалларининг таҳлили келтирилиб, клиник, инструментал ва статистик усуллар батафсил тавсифланган.

Мазкур тадқиқот доирасида 2012 йилдан бошлаб икки томонлама чов крипторхизми ташхиси аниқланган болаларда қўлланилган жарроҳлик даволаш усулларининг самарадорлиги мунтазам равишда ўрганилди. Даволаш ёндашувларининг истиқболли ва ретроспектив қиёсий таҳлилини олиб бориш мақсадида беморларнинг амбулатор ва стационар тиббий ҳужжатлари чуқур ўрганилди.

2012-2024 йиллар оралиғида икки томонлама чов крипторхизми билан мурожаат қилган 276 нафар ўғил болага ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди. Барча клиникагача бўлган босқичларда беморларнинг жинсини тасдиқлаш мақсадида мажбурий тартибда кариотиплаш таҳлили ўтказилди.

Жарроҳлик аралашувининг қўлланилган услубига кўра, тадқиқотдаги беморлар учта асосий гуруҳга тақсимланди (1-жадвал):

- *I гуруҳ:* 2012-2015 йиллар давомида босқичма-босқич усулда икки томонлама чов орқали орхиопексия амалиёти бажарилган беморлар.

• *II гуруҳ:* 2014-2018 йилларда J. Cloutier томонидан таклиф этилган бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия (ББТИТО) усули қўлланилган беморлар.

• *III гуруҳ:* 2018-2024 йилларда бир троакарли лапароскопик кириш (БТЛК) ёрдамида лапароскопик-ассистентликда бажарилган ББТИТО амалиёти ўтказилган беморлар.

Беморларнинг қўлланилган жарроҳлик усуллари бўйича тақсимланишига оид батафсил маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Крипторхизмнинг икки томонлама чов шакли билан беморларнинг жарроҳлик даволаш усулига қараб тақсимланиши

Ўрганилаётган гуруҳлар	Жарроҳлик даволаш усули	Усул қўлланилган йиллар	Беморлар сони	
			абс.	%
I	Босқичма-босқич икки томонлама чов орқали орхиопексия	2012-2015	117	42,39%
II	Бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия	2014-2018	67	24,28%
III	Бир троакарли лапароскопик кириш усулида лапаросокпик-ассистентлик билан бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия	2018-2024	92	33,33%
Жами:		2012-2024	276	100

Жарроҳлик аралашуви вақтида беморларнинг ёши 8 ойдан 12 ёшгача бўлган диапазонни қамраб олди, ўртача ёш кўрсаткичи 27±9 ойни ташкил этди. Барча беморларнинг 32,61 фоизи 18 ойгача бўлган ёшда жарроҳлик йўли билан даволанган (2-жадвал). Операциядан кейинги кузатув даври 1 йилдан 10 йилгачани ташкил этди.

2-жадвал

Крипторхизмнинг шаклига қараб беморларнинг ёш таркиби

Бемор ёши	Икки томонлама крипторхизм шакли						Жами:	
	Юқори чов ретентцияси		Пастки чов ретенцияси		Чов эктопияси			
ойларда	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
6-18	29	10,51	46	16,67	15	5,43	90	32,61
18-36	36	13,04	64	23,19	20	7,25	120	43,48
> 36	20	7,25	30	10,87	16	5,79	66	23,91
Жами	85	30,80	140	50,73	51	18,47	276	100

Даволаш усуллари бўйича ёш тақсимотининг сифат белгилари асосида гуруҳларнинг статистик таҳлили гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатди ($p>0,05$). Мазкур ҳолат ўрганилаётган когорталарнинг бир жинсли эканлигини тасдиқлайди ва уларни келгусида бошқа клиник ҳамда жарроҳлик параметрлари бўйича таққослаш

имконини яратади. Қўлланилган жарроҳлик даволаш усуллари доирасида крипторхизм шаклининг қиёсий таҳлили ҳам гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқламади. Шу сабабли, ушбу танланмаларни кейинги статистик таҳлил учун таққосланувчан деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, тадқиқотга киритилган беморлар гуруҳлари асосий клиник белгилар бўйича ўзаро таққосланиш имкониятига эга бўлиб, бу ишончли қиёсий таҳлил ўтказиш учун замин яратади.

Беморларнинг маълум қисмида репродуктив тизимининг ҳамроҳ касалликлари аниқланди. Крипторхизм билан ҳамроҳликда кузатилган касалликлар 3-жадвалда тақдим этилган.

3-жадвал

Крипторхизмнинг икки томонлама чов шакли билан касалланган беморларда репродуктив тизимдаги аниқланган ҳамроҳ касалликлар

Нозология	Беморлар сони	
	Абс	%
Қорин парданинг облитерацияланмаган қин ўсимтаси	167	59,01
Мояк истисқоси	47	16,61
Чов чурраси	40	14,13
Гипоспадиянинг тож эгат шакли	12	4,24
Гипоспадиянинг тана шакли	5	1,77
Гипоспадиянинг тана-ёрғоқ шакли	2	0,71
Гипоспадиянинг ёрғоқ шакли	1	0,35
Яширин жинсий олат	7	2,47
Тана-ёрғоқ транспозицияси	2	0,71
Жами	283	100%

Жадвал маълумотларига кўра, 262 нафар беморда жами 283 та ҳамроҳ касаллик ҳолати қайд этилди. Ушбу фарқ айрим беморларда икки ва ундан ортиқ ҳамроҳ патологияларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Хусусан, 17 нафар беморда (6,16%) икки томонлама крипторхизм билан бир қаторда икки хил ҳамроҳ патология, 4 нафар беморда (1,45%) эса қўшимча учта нозологик шакл аниқланди.

Тадқиқотга киритиш мезонлари. *Тадқиқот дизайни:* мазкур тадқиқот очиқ, кўп марказли, оддий ҳолат-назоратли клиник тадқиқот бўлиб, ҳам истиқболли, ҳам ретроспектив таҳлил элементларини ўз ичига олади.

Киритиш мезонлари. Тадқиқотга туғма икки томонлама чов крипторхизми ташхиси қўйилган ўғил болалар киритилди. Бунга қуйидаги клиник кўринишлар киради: агар беморларга жарроҳлик давоси қўлланилган бўлса моякларнинг юқори ва пастки чов ретенцияси, чов эктопияси, сохта чов крипторхизми ҳамда моякларнинг кесишган эктопияси.

Четлаштириш мезонлари. Қуйидаги ҳолатлар аниқланган беморлар тадқиқотдан четлаштирилди: бир томонлама крипторхизм, иккала томонда ҳам

моякларнинг қорин бўшлиғида жойлашуви, аралаш крипторхизм (бир томонда қорин, иккинчи томонда чов), метахрон икки томонлама крипторхизм, шунингдек крипторхизмнинг орттирилган шакллари. Қолаверса, экстрагенитал ёндош касалликлари мавжуд бўлган беморлар ҳам тадқиқотга киритилмади.

Таҳлил натижаларини бошқа популяцияларга татбиқ этишга таъсир кўрсатувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ёки маданий омилларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Тадқиқотга 2012 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар киритилди. Назорат текширувлари жарроҳлик аралашувидан кейин 2, 6 ва 12 ой ўтгач, мажбурий шикоятларни қайд этиш ва операциядан кейинги эҳтимолий асоратларни аниқлаш мақсадида белгиланди. Кузатув давомийлиги бир йилдан ўн икки йилгачани ташкил этди.

Икки томонлама чов крипторхизмини ташхислаш усуллари. Икки томонлама чов крипторхизми мавжуд бўлган беморларни ташхислаш жараёнида тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этиш мақсадида қуйидаги текширув усуллари қўлланилди: клиник-лаборатория текширувлари, шунингдек инструментал текширувлар (ультратовуш текшируви ва лапароскопия). Крипторхизмнинг икки томонлама чов шакли билан касалланган барча беморлар (n=276, 100%) ҳаётининг биринчи йилида, моякларнинг жойлашув хусусиятидан қатъий назар, кариотиплаштириш текширувидан ўтказилди. Натижада барча ҳолатларда нормал эркак кариотипи (46, XY) аниқланди. Барча беморларга жарроҳлик аралашувидан олдин умумий қон таҳлили, қон ивиш вақти ва қон кетиш давомийлигини аниқлаш бўйича текширувлар, умумий сийдик таҳлили, электрокардиография (ЭКГ), ОИВ, HbS-антиген ва С гепатитига қарши антитаналарни аниқлаш бўйича таҳлиллар ўтказилди. Жарроҳлик аралашувига қарши кўрсатма бўлган патологик ўзгаришлар аниқланмади. Барча беморларда гонадаларнинг гипотрофияси ва атрофиясини баҳолаш мақсадида моякларнинг ҳажми жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин Прадер орхидометри ёрдамида ўлчанди. Учинчи гуруҳга кирган 7 нафар беморда лапароскопик ташхислаш ва даволаш амалиёти бажарилди. Қолган гуруҳларда лапароскопик усул қўлланилмади.

Крипторхизмнинг икки томонлама чов шаклларини жарроҳлик йўли билан тузатиш усуллари. *Босқичма-босқич икки томонлама чов орқали орхиопексия.* Босқичма-босқич икки томонлама чов орқали орхиопексия усули чов каналлари соҳасида алоҳида жарроҳлик кесмалари орқали моякларни ёрғоққа тушириш орқали амалга оширилди. Мазкур усул ёрдамида жами 117 нафар ўғил болада (234 та мояк) жарроҳлик аралашуви бажарилди.

Барча беморларга икки томонлама орхиопексия ўтказилди. Аввалги операциядан сўнг қарама-қарши томондаги моякни тушириш учун такрорий жарроҳлик амалиётига келмаган беморлар тадқиқотдан четлаштирилди.

Бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия (ББТИТО). 2014 йилдан бошлаб клиник амалиётимизга дастлаб J. Cloutier томонидан тавсиф этилган икки томонлама чов крипторхизмида бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия усули жорий этилди. Ушбу усул икки томонлама чов крипторхизми ташхиси қўйилган 67 нафар ўғил болада (134 та мояк) қўлланилди (1-расм).



1-расм. Бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия жарроҳлик усули жараёни. Бемор Г., 4 ёш. Жарроҳлик амалиёти вақтида олинган фотосуратлар: 1 – чов соҳаларида моякларнинг топографик жойлашуви белгиланган; 2 – жинсий олат қориннинг олд девори терисига лейкопластир билан фиксацияланган, Веслинг чизиғи бўйлаб жарроҳлик кесими белгиланган; 3 – ҳар икки томондаги мояклар тўлиқ мобилизация қилинган ва таранглик ҳолатисиз эркин жойлашган; 4 – мояклар ёрғоқда физиологик ҳолатда жойлашган, операция жароҳати қаватма-қават зич тикилган

Бир троакарли лапароскопик кириш усулида лапароскопик-ассистентлик билан ББТИТО усули. 2018 йилдан бошлаб клиник амалиётга илгари таклиф

этилган ББТИТО усулининг такомиллаштирилган варианти жорий этилди. Икки томонлама чов крипторхизми ташхиси қўйилган барча беморларда профессор Н.Р. Акрамов раҳбарлигида ишлаб чиқилган жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Зарурат туғилганда, мазкур амалиёт бир троакарли лапароскопик кириш усулида лапароскопик-ассистентлик билан бажарилди (ихтиро патенти UZ IAP №07130) (2-расм). Ушбу усул 92 нафар болада (184 та гонада) муваффақиятли қўлланилди.



2-расм. Бир троакарли лапароскопик кириш усулида лапароскопик-ассистентлик билан бир босқичли икки томонлама транскротал орхиопексия муаллифлик усули (n=92)

Статистик таҳлил усуллари. Олинган эмпирик маълумотларнинг статистик таҳлили STATISTICA 12 (StatSoft Inc., АҚШ) ва Microsoft Office Excel 2019 дастурий пакетлари ёрдамида амалга оширилди. Миқдорий ўзгарувчиларнинг тавсифий статистикаси сифатида ўртача қиймат (x), стандарт оғиш (±σ), медиана (Me) ва ўзгариш интервали (min-max) аниқланди. Сифат ўзгарувчилари учун нисбий частоталар (фоизлар, %) ҳисоблаб чиқилди. Миқдорий маълумотларнинг қиёсий таҳлили мустақил танланмалар учун қўлланиладиган Стьюдент t-тести ва Манн-Уитни U-тести асосида ўтказилди. Сифат кўрсаткичларини қиёслаш мақсадида Фишернинг аниқ p-қиймати тести ва Пирсоннинг хи-квадрат ($\chi2$) мезони қўлланилди. Статистик таҳлил натижаларида $p<0,05$ аҳамиятлилик даражаси ва $\chi2\geq3,841$ қийматида фарқлар статистик жиҳатдан сезиларли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот натижалари»** деб номланган **учинчи бобида** болаларда икки томонлама чов крипторхизмини даволаш натижаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Крипторхизмнинг икки томонлама чов шакли билан касалланган беморларни даволашда чов орқали орхиопексиянинг натижалари. 2012 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда крипторхизмнинг икки томонлама чов шакли ташхиси қўйилган 117 нафар беморнинг даволаш натижалари ретроспектив тарзда баҳоланди. Мазкур беморларга жарроҳлик давоси сифатида классик чов орқали орхиопексия усули қўлланилган (2.4.1-бобга қаранг). Ёрғоққа тушмаган моякларни тушириш бўйича жами 199 та бирламчи жарроҳлик амалиёти бажарилди. Ҳар бир беморга ўртача 1,7 та бирламчи операция тўғри келди. Чов усули қўлланилган бир томонлама орхиопексиянинг давомийлиги (82 нафар ўғил болада 164 та жарроҳлик амалиёти) ўртача 42,12±12,18 дақиқани ташкил этди. 35 нафар (29.92%) беморда бажарилган чов орқали бир босқичли икки томонлама орхиопексиянинг ўртача давомийлиги 75,36±17,06 дақиқани ташкил этди (3.1-расм). Барча беморлар операциядан кейинги икки кун давомида стационар шароитда кузатувда бўлдилар. Жарроҳлик амалиётидан сўнг 8-куни ярадаги иплар олиб ташланди.

88 нафар (75.21%) ўғил болада (202 та гонада – 86.33%) операциядан кейинги даврда ҳеч қандай асоратлар кузатилмади. 29 нафар (24.79%) беморда жами 51 та асорат аниқланди (4-жадвал).

Шулардан 9 та ҳолатда битта асорат (моякнинг бир томонлама нотўғри жойлашуви) кузатилди; 16 та ҳолатда иккита асорат: орхоэпидидимит ва операциядан кейинги ёрғоқ шиши – 6 та ҳолат, операция жароҳатининг инфекцион асорати ва операциядан кейинги ёрғоқ шиши – 4 та ҳолат, тери ости гематомаси ва операциядан кейинги ёрғоқ шиши – 3 та ҳолат, моякнинг икки томонлама нотўғри жойлашуви – 3 та ҳолат; 4 нафар ўғил болада бир вақтнинг ўзида учта асорат ривожланди: орхоэпидидимит, операциядан кейинги ёрғоқ шиши ва кейинчалик бир томонлама мояк атрофияси. Қайд этиш лозимки, операциядан кейинги чов чурралари кузатилмади.

4-жадвал

Чов орқали икки томонлама босқичли орхиопексиядан сўнг ривожланган асоратлар турлари бўйича беморлар тақсимоти

Асорат тури		Учраш частотаси		Clavien-Dindo бўйича оғирлик даражаси
		Абс.	%	
Мояк малпозицияси	бир томонлама	9	7,69	3
	икки томонлама	3	2,56	3
Мояк атрофияси		4	3,42	3
Орхоэпидидимит		10	8,55	2
Тери ости гематомаси		3	2,56	2
Операциядан кейинги яра соҳасидаги инфекцион асоратлар		4	3,42	2
Ёрғоқнинг операциядан кейинги шиши		18	15,39	1

Икки томонлама чов крипторхизмига чалинган беморларни даволашда трансскротал орхиопексия усулининг қўллаш натижалари. 2014 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда икки томонлама чов крипторхизми ташхиси қўйилган

67 нафар ўғил болада J. Cloutier усули бўйича бир босқичли трансскротал икки томонлама орхиопексия (ББТИТО) амалга оширилди. Мазкур усулнинг тавсифи 2.4.2-бобда келтирилган. Човда жойлашган 134 та моякнинг бирламчи туширилиши амалга оширилди. Бир беморга тўғри келадиган бирламчи операцияларнинг ўртача сони 1,0 ни ташкил этди. J. Cloutier усули бўйича ўтказилган ББТИТО операциясининг ўртача давомийлиги 46,57±10,67 дақиқани ташкил этди.

57 нафар (85,08%) ўғил болада (124 та гонада – 92,54%) операциядан кейинги даврда асоратлар кузатилмади (3.4-жадвал). 10 нафар (14,93%) беморда жами 17 та асорат ҳолати ривожланди. Шулардан 3 та ҳолатда битта асорат (бир томонлама мояк малпозицияси); 7 та ҳолатда эса иккита асорат қайд этилди: орхоэпидидимит ва операциядан кейинги ёрғоқ шиши – 3 та ҳолат, операциядан кейинги жароҳат инфекцияси ва ёрғоқ шиши – 1 та ҳолат, тери ости гематомаси ва ёрғоқ шиши – 1 та ҳолат, орхоэпидидимит ва кейинчалик бир томонлама мояк атрофияси – 2 та ҳолат. Қайд этиш лозимки, операциядан кейинги чов чурралари кузатилмади (5-жадвал).

Мояк малпозицияси аниқланган барча 3 нафар беморда трансскротал бир томонлама реорхиопексия амалга оширилди. Мазкур беморларда моякнинг қайта малпозиция ҳолатлари кузатилмади. 2 нафар беморда (2,99%) мояк атрофияси сабабли трансскротал орхиэктомия бажарилди. Барча мояк атрофияси ҳолатларида, I гуруҳдаги каби, анамнезида орхоэпидидимит қайд этилган эди.

5-жадвал

Cloutier усули бўйича ББТИТОдан кейин ривожланган асоратлар турлари бўйича беморларнинг тақсимоти

Асорат тури		Учраш частотаси		Clavien-Dindo бўйича оғирлик даражаси
		Абс.	%	
Мояк малпозицияси	бир томонлама	3	4,48	3
	икки томонлама	0	0,00	3
Мояк атрофияси		2	2,99	3
Орхоэпидидимит		5	7,46	2
Тери ости гематомаси		1	1,49	2
Операциядан кейинги яра соҳасидаги инфекцион асоратлар		1	1,49	2
Ёрғоқнинг операциядан кейинги шиши		5	7,46	1

